

**Каримова К. – ТМИ,
декан, и.ф.н., доц.
Шарифходжаева К. – ТМИ,
кафедра мудир, и.ф.н., доц.**

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК – МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙ ТАЯНЧИ

Мазкур мақолада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни, кичик бизнес субъектларининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, молиявий таъминоти ва уларга берилган имтиёзлар ҳамда эришилган натижалар кўриб чиқилган.

Таянч сўзлар: кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, аҳолининг реал даромади, BSC тизими, фаол инвестиция сиёсати, индивидуал сектор, “Бизнесни юритиш” рейтинг, имтиёзли кредит, давлат харидлари тизими, молиявий бошқарув механизми, консалтинг хизматлари

Данная статья посвящена роли и значению малого бизнеса и частного предпринимательства в экономике страны, государственной поддержке субъектов малого бизнеса, финансовому обеспечению и выделяющимся им привилегиям, а так же, достигнутым результатам.

Ключевые слова: малый бизнес и частное предпринимательство, реальный доход населения, система BSC, активная инвестиционная политика, индивидуальный сектор, рейтинг “Ведение бизнеса”, льготный кредит, система государственных закупок, механизм финансового управления, консалтинговые услуги

This article is devoted a role and value of small business and private enterprise in the economy of country, state support of subjects of small business, to the financial providing and selected them to the privileges, and similarly, to the attained results.

Key words: small business and private enterprise, real income of population, BSC system, active investment policy, individual sector, “Carrying out business” rate, privileged credit, system of government expenses, mechanism of financial control, consulting services

Мамлакатимизда сўнгги йилларда ҳам ижтимоий ҳам иқтисодий соҳа ва тармоқларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга ва улар учун янада қулай шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали халқнинг турмуш даражасини яхшилаш, аҳолининг реал даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш бугунги куннинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Мазкур ислохотларда миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги иқтисодий фаолият жараёнлари ва унинг натижаларини ақс эттирувчи кўрсаткичларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушининг юқори бўлишига ҳам боғлиқ. Кам харажат ҳисобига янги иш ўринлари яратиш имконияти, бозор сегментига тез мослашувчанлиги, айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасида ва унча катта бўлмаган

молиявий маблағлар ҳисобига натижага эришиш кичик бизнесни ривожлантиришнинг аҳамияти бекиёслигини кўрсатади. Шу сабабдан, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тез суръатларда ривожлантириш масаласи маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва шунингдек, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш масалалари билан узвий боғлиқдир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги иқтисодий ислохотлар натижасида эришилган натижалари хусусида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов: “...ялпи ички маҳсулотимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56,7 фоизга етгани ёки 1,8 баробар ошганини алоҳида таъкидлашни истардим”[1] - дея таъкидлаб ўтганликлари алоҳида аҳамият касб этади.



1-расм. Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш шакллари¹

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг давлат томонидан қўллаб қувватлаш борасидаги жараёнларга эътибор қаратадиган бўлсак бугунги кунда мазкур субъектлар фаолияти учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб,

¹ Муаллиф томонидан шакллантирилди

жумладан, уларнинг фаолияти самарадорлигини оширишга доир кўплаб имтиёзлар, уларнинг моддий-техник таъминотини яхшилаш, улар фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий базаси давлат томонидан тўлиқ кафолатланганлигини кўришимиз мумкин. (1-расм).

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик юзасидан жаҳон амалиётига назар соладиган бўлсак, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бозор иқтисодиётининг ажралмас қисми бўлиб, иқтисодиёт фаолиятининг фундаментал асоси, давлат ривожланишида энг муҳим катализаторлардан бири бўлиб ҳисобланади. Кичик корхоналар молиявий ҳолатини ўрганишда америкалик олимлар Р.Каплан ва Д.Нортон томонидан ишлаб чиқилган “Мувозанатлаштирилган кўрсаткичлар тизими” (Balanced Score Card-BSC) алоҳида ўрин эгаллайди[2]. Бу тизим кичик бизнес ва тадбиркорликнинг самарадорлиги ифодаловчи бир қатор кўрсаткичларни ўлчаш ва баҳолаш асосида ишлаб чиқилган. Бу тизимда ўтган операцияларнинг анъанавий молиявий параметрлари билан бирга келгусидаги молиявий фаолиятининг янги баҳолаш таснифи алоқаси мужассамланган.

Бу тизим узоқ муддатли молиявий мақсадлар қўйишни ифодаладиган стратегия бўлиб, у ўзида аввалдан режалаштирилган иқтисодий натижага эришишнинг босқичларини ифодалайди. Шу сабабли ҳам кичик корхоналарнинг молиявий стратегиясини ишлаб чиқишда умумий стратегиянинг молиявий кўрсаткичларини ҳам ҳисобга олишга тўғри келади. Шу сабабли BSC тизими орқали бюджетлаштириш тизимига ўтиш жараёнини қуйидаги тамойиллар асосида амалга ошириш таклиф этилади[3]:

1. Кичик корхона фойдаси, маҳсулот сотиш ва рентабеллигининг қўшимча ўсиш кўрсаткичлари BSC тизимида молиявий бюджетга тўғри ўтилиши керак;

2. Кичик корхона фаолиятида стратегик ташаббусларнинг бюджетини шакллантириш ва ушбу тадбирларнинг қийматини аниқлаш ҳамда харажатларини вақтлар бўйича тақсимлаш имконини ҳисоблаш муҳимдир.

3. Кичик корхоналарнинг ташкилий тузилмаси ва унда қўлланилаётган бюджетлаштириш тизимига кўра маҳсулот сотишдан келган тушум ҳамда янги маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланаётган харажатлар янги лойиҳа бюджетида ёки компаниянинг йиғма бюджетида акс эттирилиши мақсадга мувофиқ.

4. Маҳсулот сотиш билан боғлиқ бўлган мижозларга хизмат кўрсатиш, сотишни рағбатлантириш, реклама ва бошқа харажатлар тижорий ва бошқа бошқарув харажатлари бюджетига киритилиши лозим ва бошқалар.

Айрим хорижий иқтисодчиларнинг фикрига кўра, АҚШ, Япония, Германия, Италия, Корея, Дания, Буюк Британия, Франция, Мексика, Чили, Бразилия каби мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашнинг давлат Дастурлари муваффақиятли тарзда амалга ошириляпти[4]. Ушбу мамлакатларда янги иш ўринларини яратиш ва инновацияларни қўллашга мойиллик кичик бизнесда юқори бўлганлигидан, унинг ривожланишига шарт-шароитларни яратиш устувор вазифалардан бирига айланган. Шу жиҳатдан, XX асрнинг 80-йиллари охиридан ва 90-йилларнинг ўрталарига қадар, энг ривожланган мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий

тадбиркорлик анча жадал ривожланди. Аммо унинг ривожланиши жуда мураккаб шароитларда амалга ошиб борди.

Кичик ва ўрта бизнесни давлат томонидан қўллаб қувватлашда асосан Буюк Британиянинг савдо ва саноат Вазирлиги фаоллик кўрсатади. Бу вазирлик таркибида «Кичик бизнес учун хизмат кўрсатиш» (The Small Business Service – кейинчалик SBS) агентлиги ташкил этилган бўлиб, у кичик бизнес субъектлари фаолиятини барча миллий инфратузилма кўмаги остида мувофиқлаштиради. Кичик бизнес фаолияти учун SBS молиявий таъминлаш, ахборот алмашилиш, маслаҳат бериш, техник жиҳатдан кўмаклашиш ва ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда комплекс чора-тадбирларни амалга ошириб боради.

Англия ҳукуматининг консерватив сиёсати хусусий тадбиркорликни юксалтириш мақсадида молиявий жиҳатдан муҳим имтиёзлар яратди. Кичик бизнесни кучайтириш учун махсус дастурлар қабул қилинди, консалтинг хизматлари ва бизнес техникасини ўргатиш бўйича курслар ташкил этилди[5].


Кичик бизнес ҳақидаги тадқиқотларда ушбу соҳани молиялаштиришнинг бир неча манбалари, хусусан, алоҳида жисмоний шахслардан қарз олиш, тижорат банклари кредитлари, қарзларни кафолатлаш махсус дастурларидан фойдаланиш, лизинг, давлат ва хусусий грант дастурларидан ёки стратегик ҳамкорлар ёрдамидан фойдаланиш кабилар қайд этилган[6].

Кичик бизнес соҳаси энг юқори даражада ривожланган мамлакатлардан бири бўлган Япония ушбу масалада илғор тажрибага эга. Ушбу мамлакатда жами корхоналарнинг 99,7 фоизи, жами банд аҳолининг 70 фоизи, жами ишлаб чиқарилган қўшимча қийматли маҳсулотларнинг 50 фоиздан ортиғи кичик бизнес субъектлари ҳиссасига тўғри келади[7]. Япониянинг “Toyota”, “Honda” ва “Sony” каби йирик корпорациялари ҳам ўз вақтида кичик корхоналар сифатида фаолият бошлаган.

Японияда кичик бизнес соҳасини молиявий қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирлар ўтган асрнинг ўрталаридан бошланган бўлиб, дастлаб ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилган. 1950 йилда “Кичик корхоналар кредитларини суғурталаш Акти”, 1953 йилда эса “Кредитларни кафолатлаш Ассоциацияси Акти” қабул қилинган ва Кичик ва ўрта корхоналарни қўллаб-қувватлаш Япония Молия Корпорацияси ташкил этилган. Бугунги кунга келиб кичик бизнес субъектларига молиявий масалаларда кўмаклашиш бўйича яхлит тизим шакллланган. Япония Молия Корпорацияси билан биргаликда Шоко Чукин банки, Кредитни кафолатлаш корпорациялари ва бошқа молия муассасалари соҳани молиявий қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Кичик бизнес корхоналарини қўллаб-қувватлаш сиёсати Кичик ва ўрта корхоналар Агентлиги (Small and Medium Enterprise Agency) томонидан мувофиқлаштириб борилади.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тутган ўрни ва олиб борилган иқтисодий ислохотлар натижаларига эътибор қаратадиган бўлсак, ўтган йиллар мобайнида кўзга кўринарли натижаларга эришилди. Қуйида мазкур натижаларга тўхталиб ўтамиз. Жумладан, хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли

ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган тизимли ислоҳотларни давом эттирилиши туфайли 2015 йилда иқтисодиётнинг ушбу секторида барқарор ривожланиши қайд этилди. Кичик бизнес томонидан яратилган қўшилган қийматнинг ЯИМдаги улуши 56,5%ни (2014 йилга нисбатан ўсиш 0,4 ф.б.) ташкил этди. Унинг ўсишига таъсир этган асосий омиллар бўлиб, қурилиш ишлари (117,8%), савдо (111,0%), қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш (106,8%) ва саноатнинг (105,8%) юқори ўсиш суръатлари бўлди. 2015 йил давомида кредитларни расмийлаштириш шартлари ва жараёнларини энгиллаштириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар натижасида, кичик бизнес субъектлари томонидан инвестиция мақсадларига йўналтирилган маблағларнинг барқарор ўсиши таъминланди. 2015 йил давомида ушбу соҳада умумий қиймати 14789,3 млрд.сўм (2014 йилга нисбатан ўсиш 18,1%) микдоридаги инвестициялар ўзлаштирилиб, бу республика бўйича ўзлаштирилган умумий инвестицияларнинг 36,3%ини (2014 йилда 34,8%) ташкил этди.




2-расм. Кичик бизнесда банд бўлган аҳоли сони (млн.киши)²

Фаол инвестиция сиёсатини амалга оширилганлиги туфайли, 2015 йилда 26,8 мингдан зиёд янги кичик бизнес субъектлари ташкил этилиб, саноат соҳасида фаолият юритаётган субъектлар модернизацияси амалга оширилди. Намунали лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилиши ҳамда қишлоқ жойларида ташкил этилаётган янги иш ўринлари ортди. Инвестицияларнинг ортиши республика ялпи ички маҳсулоти ва ҳудудлар ялпи ҳудудий маҳсулотини яратишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушининг ўсишини таъминлади. 2015 йил якунлари бўйича ҳудудлар ялпи ҳудудий маҳсулотини яратишда кичик бизнес улуши Жиззахда – 80,1%гача, Наманганда – 80,2%гача, Самарқандда – 77,9%гача, Сурхондарёда – 75,2%гача ва Хоразмда – 74,1%гача ўсди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-

² “Ўзбекистон иқтисодиёти” ахборот-таҳлилий бюллетень. 2015 йил январь-декабрь маълумотлари

қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар кичик бизнесда бандлар сонининг ўсишига олиб келди. 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига КТда бандлар сони 10178,9 минг кишига етиб, иқтисодиётдаги жами бандларнинг 77,9%ини (2014 йилга нисбатан 0,7 ф.б.ўсиш) ташкил этди. Кичик бизнеснинг хусусий секторидаги бандлар сони 9376,4 минг кишини ёки ушбу соҳада жами бандларнинг 92,1%ини ташкил этди. Шунингдек, индивидуал секторда бандлар сони 7949,4 минг кишини, кичик корхона ва микрофирмаларда бандлар сони 2229,5 минг кишини ташкил этди. (2-расм)


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони тадбиркорлик субъектларини ташкил этишнинг соддалаштирилишига ва фаолиятини амалга оширишни енгиллаштирилишига олиб келди. 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига 225998 та кичик корхона ва микрофирма рўйхатдан ўтган. 2015 йил мобайнида 26,9 мингдан зиёд янги субъектлар ташкил этилиб, бу ўтган йилнинг мос кўрсаткичидан 3,3%га кўпдир. Субъектлар сони ўсишининг яна бир муҳим омили бўлиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш жараёнининг соддалаштирилиши ҳисобланади. 2015 йилда қайтадан ташкил этилган субъектларнинг 58%идан зиёди Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Андижон вилоятлари ва Тошкент шаҳрига, яъни саноат ишлаб чиқариши юқори даражада ривожланган ҳамда кичик корхоналар ривожланиш учун йирик ишлаб чиқарувчилар билан кооперацияга киришиш имконияти мавжуд бўлган ҳудудларга тўғри келди. (3-расм)



3-расм. Ўзбекистон Республикаси ЯИМда ҳудудлар салмоғи (%да)³

³ “Ўзбекистон иқтисодиёти” ахборот-таҳлилий бюллетень. 2015 йил январь-декабрь маълумотлари

2015 йилда кичик бизнес субъектлари томонидан 3461,6 млн.АҚШ долларлик маҳсулотлар экспорт қилинган бўлиб, республика умумий экспортидаги салмоғи 26,9%ни ташкил этди (2014 йилда 26%). Хусусий секторнинг экспортдаги улуши эса 3,3%га тенг бўлди. Ушбу даврда кичик бизнеснинг умумий импорт ҳажми 5524,8 млн.АҚШ долларга етди. Республика умумий импортида кичик бизнеснинг улуши 44,5%ни (2014 йилда 41,3%), хусусий секторнинг улуши эса 8,8%ни ташкил этди.



4-расм. Экспорт ва импорт умумий ҳажмида кичик тадбиркорликнинг улуши ўсиши динамикаси (%да) ⁴

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун ишбилармонлик муҳитининг яхшиланиши Жаҳон банкининг «Бизнесни юритиш» рейтингда ўз аксини топди. Ўзбекистон бир йил ичида 16 поғонага юқорилаб, 87-ўринни эгаллади. Ҳозирги кунда, «янги бизнесни қўллаб-қувватлаш» кўрсаткичи бўйича республика дунёда 42-ўринни, «имзоланган битимлар бажарилишини таъминлаш» кўрсаткичи бўйича 32-ўринни эгаллаб турибди. «Кичик бизнес субъектларига кредитлар бериш» кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон сўнгги 3 йилда 154-ўридан 42-ўринга кўтарилиб, ўтган йил учун ўз кўрсаткичини 63 поғонага яхшилади.

Кичик бизнес субъектларини молиявий таъминоти юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид қўшимча чора- тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 11 мартда имзоланган ПҚ-1501-сонли Қарори, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қўлай


⁴ “Ўзбекистон иқтисодиёти” ахборот-таҳлилий бюллетень. 2015 йил январь-декабрь маълумотлари

ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 24 августдаги ПФ-4354-сонли Фармони ва бошқа бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун турли имтиёз ва қулайликлар берилди, имтиёзли кредитлаш тизими соддалаштирилди.

Хусусан:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитлар ажратиш ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиш муддати уч банк иш кунидан ошмайдиган муддат қилиб белгиланди;
- кичик бизнес субъектларидан тижорат банкларида миллий валютада ҳисобварақ очгани учун тўлов ундириш бекор қилинди;
- имтиёзли кредитлаш ҳажмини кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида тижорат банкларининг Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлар ажратишдан оладиган даромадлари 2016 йилнинг 1 январига қадар фойда солиғидан озод қилинган эди.

Маълумотларга кўра, банклар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2016 йилда 12,1 трлн. сўм миқдоридан кредитлар ажратилиб, ушбу кўрсаткич 2015 йилга нисбатан 1,3 баробарга, ажратилган микрокредитлар эса 2,5 трлн. сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткич ҳам 2015 йилга нисбатан 1,3 баробарга ўсди.(5-расм)



5-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар (трлн.сўм)⁵

Тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал секторига ажратилган кредитлар таркибида кичик бизнесга берилган кредитларнинг улуши йилдан-йилга ортиб бораётгани кузатилмоқда. Хусусан, ҳисобот йилида

⁵ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг www.cbu.uz расмий сайти маълумотлари.
<http://cbu.uz/uzc/node/45262>

иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми 2015 йилга нисбатан 27,3 фоиз кўпайиб, 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 42,7 трлн. сўмдан ортди.

Шунингдек, мамлакатимиз Президенти томонидан қабул қилинган иқтисодиётни модернизация қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш жараёнларида хусусий секторнинг роли ва аҳамиятини жадал ривожлантириш билан бевосита боғлиқ бўлган “2015-2019 йилларда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш Дастури”да 2015-2019 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредитларнинг прогноз параметрлари тасдиқланди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти юзасидан қуйидаги хулосалар ҳамда мазкур субъектлар самарадорлигини таъминлаш юзасидан қуйидагиларни тавсияларни таъкидлаб ўтмоқчимиз:

1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитлар, хом-ашё ресурслари, шунингдек, давлат харидлари тизимидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш лозим.

2. Кичик бизнеснинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун зарур ва қулай бўлган ташкилий, ҳуқуқий, молиявий механизм ва шароитларни яратиб бериш лозим.

3. Аҳоли бандлигини таъминлаш, хусусан, давлат ва нодавлат ташкилотлар томонидан ёшларнинг ўз бизнесини бошлаши учун мақсадли кредитлар ажратиш ва уларнинг сарфини таъминлашда тизимли назоратни йўлга қўйиш лозим.

4. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг ресурсларини бошқариш бўйича барча муҳим қарорларни корхона молиявий ҳолатига қандай таъсир кўрсатишини таҳлил этиш ва корхона таъсисчиларининг бундай қарорларга бўлган муносабати бўйича қараб чиқиши лозимлиги, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг самарали фаолият кўрсатиши кўп ҳолларда уларнинг молиявий бошқарувига боғлиқдир. Молиявий бошқарув механизмининг воситалари ва усуллари ёрдамида унинг мақсадлари ҳамда ўзига хос жиҳатлари, шунингдек, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурсларини шакллантирилиши, тақсимланиши ва улардан самарали фойдаланилиши амалга оширилиши зарурдир.

5. Кичик бизнес соҳасини молиялаштириш бўйича хориж тажрибаси ва миллий иқтисодиётдаги хусусиятлардан келиб чиқиб, мазкур масаланинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, айниқса тадбиркорлик фаолиятини энди бошлаган корхоналар учун махсус қўллаб-қувватлаш фондларини ташкил этиш ва дастурларни жорий этиш, молиялаштириш манбаларини диверсификация қилиш, имтиёзли шартлар асосида қарз бериш каби амалиётларни қўллаш соҳанинг янада ривожланишига, кичик бизнес субъектларининг молиявий барқарорлиги таъминланишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

6. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ривожланишида банкларнинг ўрнини ошириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш:

- Республикамизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун мини технологиялар сотиб олиш учун микрокредитлар ажратиш:
 - Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига имтиёзли кредитлар бериш ва ҳужжатлар тизимини соддалаштириш
 - Халқаро амалиётдан келиб чиқиб, микромолиялаш институтларини ташкил қилиш;
 - Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун консалтинг хизматлари бозорини ташкил қилиш.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – иқтисодиётимизда олиб бораётган ислохотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. - Б. 11.

2. Ольве Н.Г., Рой Ж., Ветер М. «Оценка эффективности деятельности компании. Практическое руководство по использованию сбалансированной системы показателей». –М.: Вильямс, 2004.С-37

3. Ахунова О. Э. Джўраев Ҳ. В. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий фаолияти ва унга таъсир этувчи омиллар. “Ўзбекистонда молиявий секторнинг ролини ошириш ва унда илғор хориж тажрибасидан фойдаланиш” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Т.: ТМИ. 2015.

4. Маширова Т.Н., Сабенова Б.Н., Сихымбекова А.М. Основные направления развития малого и среднего бизнеса: зарубежный опыт. // Ж. Экономика и финансы. №3. 2012. С. 31.

5. Арипов О.А., Шокирова Г. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий жиҳатдан тартибга солишнинг хорижий тажрибалари”. “Ўзбекистонда молиявий секторнинг ролини ошириш ва унда илғор хориж тажрибасидан фойдаланиш” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Т.: ТМИ. 2015.

6. Entrepreneurship : successfully launching new ventures / Bruce R. Barringer, R. Duane Ireland.—4th ed. USA, PEARSON, 2012. PP 336-342.

7. Japan’s Policy on Small and Medium Enterprises (SMEs) and Micro Enterprises / Small and Medium Enterprise Agency of Japan and Ministry of Economy, Trade and Industry of Japan. September 2013 // www.chusho.meti.go.jp

8. “Ўзбекистон иқтисодиёти” ахборот-таҳлилий бюллетень. 2015 йил январь-декабрь маълумотлари

9. Интернет сайтлари :

www.cbu.uz - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки сайти

www.cer.uz – Иқтисодий тадқиқотлар маркази сайти